


# *Куръон тафсирига қисқача киришиув*

A Brief Introduction to  
**QUR'ANIC  
EXEGESIS**



Ali Suleiman Ali

(ИПТ) «Китобларининг қисқача серияси»

# *ҚУРЬОН ТАФСИРИГА ҚИСҚАЧА КИРИШУВ*

**Али Сулаймон Али**

Ванада Краузе томонидан қисқартирилган



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

*Бишкек 2022*

УДК 297  
ББК 86.38-2  
А 50

**Китоб ҳомийси:**  
**Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)**  
**Херндон Виржиния АҚШ**  
**Билимлар интеграцияси институти (ICI)**  
**Гуржистон Тбилиси**

Китоб муаллифи: Али Сулаймон Али  
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбоева Рахат: – Б.: 2022  
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик хукуки билан химояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз хамда лицензион шартномага асосланган конуний истисно ва коидалардан ташкари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган карашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини акс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига кафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан  
тасдиқланган №54**

**Қуръон тафсирига қисқача киришув (Uzbek)**  
*Али Сулаймон Али*  
*ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»*

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)  
1444 AH / 2022 CE  
Paperback ISBN 978-9967-08-949-5

**A Brief Introduction to Qur’anic Exegesis (Uzbek)**  
*Ali Suleiman Ali*  
*IIIT «Books-In-Brief Series»*

The International Institute of Islamic Thought (IIIT)  
1439 AH / 2018 CE  
Paperback ISBN 978-1-56564-985-9  
IIIT  
P.O. Box 669  
Herndon, VA 20172, USA  
www.iiit.org

Барча хукуклар химояланган

ISBN 978-9967-08-949-5

УДК 297  
ББК 86. 38-2

Халқаро ислом тафаккури институти китобларининг қисқача се-  
рияси – китобхонларга асл нусханинг асосий мазмуни тўғрисида  
маълумот бериш учун қисқартирилган шаклда ёзилган институт-  
нинг муҳим нашрларининг қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқиши-  
га осон, вақтни тежаш шаклида яратилган ушбу қўшма шарҳлар  
катта нашрнинг пухта ва дикқат билан ёзилган кўринишини тақ-  
дим этади ва умид қиласманки, китобхонларни асл нусхани янада  
ўрганишга рағбатлантиради.

Али Сулаймон Алининг «Қуръон тафсирига қисқача кириш» ки-  
тобининг мақсади *тафсирни* ўрганаётган талабаларни Пайғам-  
баримиз Муҳаммад (С.А.В.) давридан бугунги кунгача бўлган  
Қуръон *тафсирининг* тарихий ривожланиши билан таништи-  
ришга қаратилган. Асарда Пайғамбар *тафсирининг* моҳияти,  
хусусиятлари ва услубияти ёритилган бўлиб, унда Пайғамбари-  
миз (С.А.В.) сахобаларининг (*Сахаба*) *тафсири*, шу билан бир-  
га, *Табиъулар* яъни сахобаларга эргашган авлод *тафсири*, шу  
жумладан уларнинг тафсирларининг мавқеи, хусусиятлари ва  
услубияти ҳақида баҳс юритилади.

Турли хил *тафсирларнинг* баъзи тўпламлари ва уларнинг  
муаллифлари ушбу қисқартирилган асарга кир итилган. Китобда  
*тафсирнинг* икки асосий тури кўриб чиқилган: *ал-тафсир би*  
*ал-маътур ва ал-тафсир би ар-раъй*. Шунингдек, китоб замона-  
вий дунёдаги *тафсирнинг* баъзи янги йўналишларига ойдинлик  
киритиб, мумтоз ва замонавийлик ўртасидаги фарқларни таъ-  
кидлайди.

Қуръон тафсирига қисқача киришнинг асосий мақсади – ўқувчиларга *тафсир*, Қуръоннинг баъзи йирик *тафсирчилари* (*мұфассирун*) ва уларнинг асарлари ривожланиши түғрисида асосий маълумотларни беришдир. Умид қиласизки, ушбу қисқа кириш *тафсир* талабалари учун катта қизиқиш уйғотиб уларни бу мавзу бўйича изланишларини давом эттиришга ундейди.

**Али Сулаймон Али тамонидан асл нусханинг қисқартирилган нашри**

**ҚУРЪОН ТАФСИРИГА ҚИСҚАЧА КИРИШУВ**

ISBN hbk: 978-1-56564-699-5

ISBN pbk: 978-1-56564-688-9

2017

## БИРИНЧИ БОБ

### Тарихий хулоса

*Тафсир* илми Аллоҳ қаломининг маъносини тушунтиришга қаратилган. Унинг Расули Муҳаммадга Муқаддас Китоби Куръонда очиб берилган ва одатда Қуръоннинг «талқини» ёки *тафсир* деб юритилади. Арабча «ф-с-р» илдизи очиб бермоқ, ошкор қилмок<sup>1</sup> деган маънени англатиб, анъанавий ёки мумтоз мусулмон олимлари *тафсир* сўзи *фассарадан* келиб чиққан, яъни тушунтириш деган маънени англатади деб даъво қилишади. *Тафсир*, луғавий маънода «тушунтириш» ва *таъвил*, «талқин» деган маънени англатадиган бу икки атама бўлиб, олимлар томонидан Қуръон талқини ёки *тафсирга* ишора қилиш учун синоним сифатида ёки бир-бирининг ўрнида ишлатилади.

### Тафсир ва таъвил ўртасидаги фарқ

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Матуридининг (хижрий, 333-йили вафот этган) фикрига кўра *тафсир* – у матннинг якуний маъносини тушунтириш, бу матнда Ҳудонинг нимани назарда тутганилигини очиб беради, *таъвил* эса, матн бирдан ортиқ мумкин бўлган маъноларга эга бўлганда, ҳакқиқатга энг яқин бўлган изохни мустаҳкамлаш учун кўлланилади.<sup>2</sup> *Таъвил* кўпинча маъноларни ва жумлаларни тушунтириш учун ишлатилади ва диний матнлар ёки китобларда энг кўп кўлланилади, *тафсир* эса диний матнлар ва бошқа соҳаларда (Қуръон ва Ислом ҳуқуқшунослиги фанлари каби) қўлланилади.<sup>3</sup>

*Тафсир* атамаси, менинг ўз хулосаларимга кўра, Қуръонни тушунтириш маъносида ишлатилганда, Ислом биринчи асрининг иккинчи ярмида ёки охирига келиб ривожланган. Эҳтимол, Абдуллоҳ ибн Умар Қуръонни изоҳлаш учун: «ма юъжибуни жароъат ибн Аббас ал тафсир ал-Қуръан фал ан қад ъалимту аннаҳу ъутия ъилм» («Мен Ибн Аббоснинг Қуръон тафсирлар

рига нисбатан жасоратини ёқтирмайман, ёки қойил қолмайман, лекин энди унга билим берилганилигини биламан)»,<sup>4</sup> деб *тафсир* сўзини ишлатган биринчи инсон бўлган.

Дарҳақиқат, биз Қуръон ва ҳадисларда ушбу атама ҳақида Қуръоннинг маъносини тушунтириш деб англатадиган бирон бир ҳам эслатмани учратмаймиз. Аммо Қуръонда *тафсир* сўзи бир жойда (25:33) «тушунтириш» маъносида ишлатилган. Пайғамбар ҳам, Саҳобалар ҳам Қуръоннинг баъзи оятларини аллегория (мажоз) билан изоҳлашган. Ҳолбуки, уларнинг изоҳлари *таъвил* эмас, *тафсир* деб аталиб келинмоқда. Ўйлайманки, бунинг сабаби, *тафсир* уламоларининг кўплари, агарда аксарияти бўлмаса, иккала маъно ўртасида ҳеч қандай фарқ кўрмаганлар.

### **Муҳаммад Пайғамбар ва *Тафсир***

Муҳаммад Пайғамбар Қуръоннинг биринчи тафсирчиси ёки таржимони (*муфассири*) бўлган. Аммо у Қуръонни тўлиқ сўзма-сўз тушунтириб бермаган, чунки, кўпгина оятларнинг маъноси унинг замонидаги одамларига тушунарли бўлган. Бунинг сабаби улар, ўз тилини тушунган араблар бўлишган. Умуман, унинг Қуръон оятларини тушунтиришлари учта ҳолатдан бирида: араб тилини одатдаги тушунчаси билан маълум бир парчани англаб бўлмаганда; оятнинг сўзма-сўз маъноси, мусулмон уламоларига кўра, Худо томонидан мўлжалланмаган ёки саҳоба баъзи оятларга ойдинлик киритишни сўраганда содир бўлган.

Масалан, Пайғамбардан Қуръоннинг 10:63-64 оятларида *бушира* (хушхабар) сўзининг маъноси ҳақида сўралганда, Пайғамбар бу оят одам кўрган ёки унинг номидан кўрилган яхши тушга ишора қилганини айтди. Яна бир мисол, Рамазон ойида оғиз очиш вақти Қуръондаги кўрсатма билан боғлиқ. Буни Пайғамбар, Қуръон оятида келтирилган оқ ва қора иплар, осмон зулматига қарама-қарши бўлган уфқнинг эрта тонгидаги нуригаб ишора қилинганлиги билан тушунтирган.

Мұхаммад Пайғамбар вафотидан кейин *Тағсирнинг* ривожланиши Пайғамбарнинг вафотидан сүнг, ўша даврда яшаган мусулмонлар Қуръон илми бўйича муайян саҳобаларнинг маҳорати ва кобилиятларини тан олдилар. Пайғамбар вафотларидан олдин, уларнинг Қуръонга нисбатан энг юқори мақомини учта йўл билан эълон қилган. Биринчидан у, уларни бошқа шаҳарларга Қуръон ва Ислом динини ўргатиш учун юборар эди. Иккинчидан, Пайғамбар баъзи саҳобаларни мақтаганлар. Учинчидан, у баъзи саҳобалардан унинг ҳузурида фатволар (қонуний қарор) беришни сўраган.<sup>7</sup> Пайғамбарнинг вафотидан сүнг, Қуръонни талқин ва тиловат (*қироат*) қилиш бўйича тўртта турли мактаблар пайдо бўлиб, бу мактаблар ўзлари жойлашган ҳудудларда таниқли бўлиб, ўша ҳудудлар номи билан белгиланди, улар: Макка, Мадина, Куфа (замонавий Ироқ ҳудуди) ва аш-Шам (замонавий Фаластин, Сурия ва Ливан).

### ***Табиънлар* давридан кейин *Тағсирнинг* ривожланиши**

Хижрий иккинчи асрнинг охирларига келиб Пайғамбар саҳобаларининг шогирдлари *Табиънлар* вафот этдилар. Ўша даврнинг бирон бир таржимони, факат Қуръон талқинига бағищланган асарлар яратмаган. Таъкидланишича, Мужоҳид Қуръоннинг тўлиқ *тағсирини* ёзган. Хижрий асрнинг иккинчи ярмида турли олимлар ўзларининг ихтисослари ва қизиқишиларига кўра Қуръонга оид асарларни тўплай бошладилар. Грамматистлар, тилшунослар ва традиционалистлар томонидан қўлланиладиган ёндашувлар ва методикалар III аср охири – хижрий IV аср бошларига қадар ривожланди. Шундай қилиб *Тағсир* адабиёти ҳадис адабиётининг асосий қисмидан ажralиб чиқди. Уларнинг иккаласи ҳам мустақил фан сифатида ташкил топди. *Тағсир* ана шундай ихтисослардан бири сифатида пайдо бўлди.

*Тағсир* адабиёти ҳадисларнинг асосий қисмидан ажralиб чиққанидан сўнг, уларнинг ҳар бири ўзига хос адабиёт ва йўналишларига эга бўлган мустақил фанга айланди. Ҳадис адабиёти, масалан, факат Пайғамбарнинг ҳаракатлари ва сўzlари ҳақида нақл

қилинган хабарларга бағишланган. *Тафсир* адабиёти Пайғамбар томонидан, шунингдек, саҳобалар ва *Табиъинлар* томонидан Қуръон *тафсири* тўғрисидаги хабарларни, лингвистик, риторик, ҳуқуқий ва диний фикрлар билан биргаликда етказишга бағишланган. Ушбу хисобот ва мулоҳазалар ҳадис ва *тафсирнинг* бўлиниши содир бўлгандан кейин қизғин тадқиқот мавзусига айланди. Натижада *Тафсир* адабиёти техник жиҳатдан *ал-тафсир би ал-маъсур ва ал-тафсир би ал-раъи* деб номланувчи иккита асосий турга бўлинди.

## ИККИНЧИ БОБ

### **Учинчи ва тўртинчи (хижрий) асрлардаги тафсирнинг ривожланиши**

Хижрий учинчи ва тўртинчи асрларда *тафсир* ёзуви пайдо бўлди. *Тафсирни* тўлиқ занжир (*иснад*) билан етказиш оммалашиб кетди ва Қуръон *тафсирининг* бир жиҳати бўйича ихтисослашув сифатида илоҳиётшунослар ва лексикографларнинг эътиборини жалб қила бошлади. Шундай қилиб, улар устунликка эга бўлган сезиларли фарқловчи хусусият билан *тафсир* изоҳларини беришни бошладилар. Ал-Табарининг *тафсири*, *Жамиъ ал-Баян ан-Тавил ал-Қуръан* одатда *тафсирнинг* энг кенг қамровли асари деб ҳисобланади.

#### ***Ат-Табаридан* кейинги муҳим ўзгаришлар**

Хижрий тўртинчি асрдан кейин Қуръон тафсирида учта катта ўзгаришлар юз берди. Ас-Суютига кўра, булар:

а) *иҳтисар ал-асанид* эди, бу ҳикоя занжирларини қисқартиришни англатади (улар тасдиқланмаган баёнотлар билан бирга келган);

б) ихтисослашув ёши;

в) *тафсир ал-бидъаҳ* (бидъат талқини), яъни ғайритабиий изоҳ-

нинг пайдо бўлиши<sup>8</sup>. Бундан ташқари, бир томондан Қуръон суралари ўртасидаги муносабатлар, бошқа томондан ҳар бир сурадаги ояtlар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга қаратилган – *Назм ал-Дуrap фи Танасуб ал-аят ва ал-Сувар мавжуд*.

Ҳикоя занжирининг қисқариши ҳадис илмида *ихтикар ал-асанид* деб номланади. Ҳар бир ўқитувчи ёки мухбирнинг исмини маълум бир ҳикоя занжирида такрорлаш ўрнига (*иснад*) Мусулмон олимлари тўлиқ *иснад* ни чиқариб ташлай бошладилар. Ушбу тенденция ахборот манбаларини текширишни назарда тутмаганлиги сабабли, Ислом илмининг методологиясига зид эди. Шу сабабли, мавжуд бўлмаган ёки ишончсиз манбалардан ҳисобот келтириш ёки қабул қилиш одатий ва содда эди. Бинобарин, кўплаб матнлар шунчалик паст даражадаги билим ва стандартлар билан ёзилганки, уларнинг муаллифлари аниқ ва нотўғри маълумотларни бир-биридан ажратмаган. Бироқ, Ал-Суюти ва бошқалар бешинчи асрдан кейинги даврни *тафсирга* ихтиосослашув даври деб ҳисоблашади, чунки мутахассислар Қуръонни фақат ўзларининг ихтиосослашган соҳалари нуқтаи назаридан шарҳлаб, грамматик, хуқуқий ва диний таҳлилларга катта эътибор беришган.

Учинчи Халифа Усмон ибн Аффон ўлдирилгандан ва мусулмонлар дуч келган диний ва сиёсий зиддиятдан сўнг учта асосий гурӯҳ пайдо бўлди: Алидлар (Ал ибн Абу Толиб тарафдорлари), Умавийлар (Муовия ибн Абу Суфён тарафдорлари) ва Харижитлар. Натижада Сунний ва Шиа ўртасида бўлиниш ҳам юз берди. Уч томон ўзаро бир-бирини сохта мусулмонликда айбладилар. Ушбу доимий муаммо умуман бош қаҳрамонларнинг матнларида ва хусусан *тафсир* асарларида акс эттирилган. Ал Табарийларнинг *Жамиъ ал-Баёни* – Суннийлик нуқтаи назарини ифодалайдиган *тафсирлардан* бири. Шиа *тафсири* Суннийлар билан параллел равишда ривожланди. Бироқ, иккаласи ўртасида икки асосий фарқ бор. Биринчидан, баъзи Шиалар Қуръон биринчи навбатда уларнинг имоми Али ибн Толиб ва унинг ўн бир авлодига ишора қилишига ишонадилар. Иккинчидан, Шиалар Пай-

ғамбардан кейин Қуръоннинг ягона ўн икки имом ҳокимияти тан олинади.

Анъанавийлар Мұтазилийларнинг *тафсирини*, юқорида айтиб ўтилганидек, *бидъа* деб аташган, чунки улар Мұтазилийлар Қуръоннинг баъзи сўзларини ўз қарашларини қўллаб-кувватлаши ёки уларга мос келишлари учун бузиб кўрсатганлар. Мұтазилийлар эса анъанавийчилар уларни ёки уларнинг қарашларини нотўғри талқин қилган деб ҳисоблашади. Суфий *тафсир* табиатан сирли ва фалсафий фикрларнинг кучли таъсирига эга. Суфийлар Қуръонни икки маънога эга деб билишади: равшан маъно (*захир*) ва ички, яширин (*батин*). Ва ниҳоят, *ал-тафсир ал-Ишари* деб номланган *тафсир* усули (ишора ёки аллегория билан талқин қилиш) Қуръоннинг аниқ маъносидан ташқарига чиқади. Унинг мазмуни ҳеч кимга кўринмайдиган маъноларни ўз ичига олади, лекин вакиллари Худо қалбини очган кишилар учун дейишади. Унинг тарафдорлари ўзларининг шарҳларида Пайғамбар саҳобаларининг маълум *тафсирига* асосланадилар.

### **Талқин қилишнинг турларига ва *ар-Раъйага* бўлган Ортодоксал муносабат**

*Тафсирнинг* турлича кўринишини Ибн Таймийя, аз-Захабо, Ибн Касир, ал-Суюти ва бошқалар каби анъанавийлар кескин танқид қилдилар. Улар *мубтадия* деб аталмишлар (Исломий бўлмаган ноанъанавий амалиётчилар инновацияларни айблашга лойик) томонидан қилинган бундай талқинларни Пайғамбар, унинг саҳобалари ва Ворисларининг талқинларини бузишдан бошқа нарса эмас деб ҳисоблашган. Шундай қилиб улар *тафсирнинг* турларига муросасиз хужум уюштиришди. Бундан ташқари, анъаначилар мусулмонларни фактан анъанавий *тафсир* ёзувларини ёзиш ва ўқиши тарғиб қилиб, араб тилида тўғри ишлатилишдан ва оқланишдан маҳрум бўлган *ар-раъй* (интеллектуал муроҳа-за) дан огоҳлантирилар. Ўзларининг қарашларини асослаш учун улар тўрт хил манбадан: Қуръон, ҳадис, саҳобалар ва Ворисларнинг ҳисоботларидан фойдаланганлар.

*Тафсирга* бўлган анъанавий ёндашувнинг баъзи тарафдорлари Куръонни Пайғамбарлик ҳадисисиз англаб бўлмайди, деб таъкидладилар. Фақатгина анъанавий талқин қилиш ва ҳар қандай оқилона куч ишлатишга қарши чақириш, уларнинг фикрига кўра, интеллектуал жиҳатдан оқланмайди. Бир неча хукуқшунослар, грамматиклар ва илоҳиётчилар, шу жумладан, Абу Ҳамид ал-Ғаззолий, Ибн Атийя, ал-Қуртуби ва Абу Ҳайян ўзларининг мухолифлари билан бир хил манбалардан фойдаланган ҳолда, бу нуқтаи назарга қарши чиқишиди. Анъанавийларнинг Куръон 16:44 оятига ишора қилганларига жавобан, Ибн Атийя Куръонни тушунтириш масъулияти Пайғамбарга юклатилган бўлса ҳам, унинг талқини ўша давр ўз одамларининг эҳтиёжларига қараб берилган деб таъкидлади. У вафот этганидан кейин вақт ва макон омили Пайғамбар талқинидаги умумий қоидаларни аниқлаштириш учун қўшимча интеллектуал ҳаракатларни талаб қиласди. Бунинг учун яна бир далил, ўқитувчилик ва унга оид мулоҳаза (*раъй*) га мурожаат қилишни талаб қилиб, *тафсирнинг* асосий қоидалари қўлланилиши шарти билан жоиздир. *Тафсирда раъйдан* фойдаланиш тарафдорлари ўзларининг мавқеларини асослаш учун ҳам Куръондан фойдаланишган. *Раъй* тарафдорлари, шунингдек, Пайғамбар издошларини ижтиҳод қилишга даъват этган машҳур ҳадисни келтирадилар: «Ким ижтиҳод қилса ва у ҳақ бўлса, унга икки мукофот берилади. Аммо, агар у нотўғри бўлса, у фақат битта мукофотга эга бўлади».<sup>9</sup>

Анъанавийлар ва юридик илоҳиётшунослар ўртасидаги ушбу тортишувлар натижасида классик *тафсирни* икки асосий тоифага бўлиншишига олиб келди: *ал-тафсир би ал-маъсур ва ал-тафсир би ар-раъй*. *Маъсур* сўзи – *атара* туб феълидан ташкил топган ва «кузатиши» ёки «белгилаш» деган маънони англатади. *Атара* феъли, шунингдек, узатишни, алоқа қилишни, ҳисобот қилишни ва бошқаларни англатади. *Маъсур* сўзи бўлса – узатилган, топширилган деган маънони англатади. Умуман *ат-Тафсир би ал-маъсур* Пайғамбар, саҳобалар ва Ворислар томонидан қабул қилинган Куръон *тафсирига* ишора қиласди. *Раъй* сўзи оғзаки исм бўлиб, фикр, нуқтаи назар, эътиқод маъносини англа-

тиб, одатда ўхшашлик ва интеллектуал намойишни билдиради. Техник жиҳатдан, бу Қуръон *тафсирини* олиш учун ишлатила-диган, Худонинг каломини тушуниш учун онгни зўриқтиради-ган мустақил фикрни англатади. Одатда бу араб тилини чуқур билиш ва *тафсирнинг* келишилган тамойилларини қўллашга асосланган бўлиб, у *ар-раъй ал-маҳмуд ёки ал-мамдуҳ* (мақтовга лойик) ва *ар-раъй ал-мазмум* (айбга лойик) бўлинади.

## УЧИНЧИ БОБ

### Учинчи ва тўртинчи (ҳижрий) асрлардаги *Тафсир*

#### Тушунчалар ва таърифлар

Аслида, кўриниб турганидек, бўлиниш жуда аниқ эмас, чунки анъанага асосланган *маъсар* талқинининг баъзи босқичларида *раъй* мукаррар равишда иштирок этади. *Маъсур* сўзи *атҳара* оғзаки исмидан келиб чиқсан қисмдир. Арабча лексикага кўра *атҳара* «из», «белги», «хабар бериш» ва «етказиш» каби турли хил маъноларга эга. Бундан ташқари, араб тилида «ҳадис» атамаси «эски» дан фарқли равишда «янги» деган маънони англатади ва ҳисобот, хикоя, мулоқот, сухбат ва ҳоказоларни назарда тулади, яъни янгиликларни билдиради. Қуръонда ушбу сўз одатда тарих, мулоқот ва сухбатнинг лисоний маъносига ишора қилиш учун ишлатилади. Пайғамбар ҳадис атамасини лисоний маънода ва Қуръонда ишлатилганидек ишлатган.

«*Фатҳ ал-Бари*» ҳадисларидан бирида шундай дейилган: «Энг яхши ҳадис Аллоҳнинг китобидир». Муҳаддислар (Ҳадис уламолари) ҳадис атамасидан Пайғамбардан ривоят қилинган нарсага ёки унинг қилган ишлари, сўзлари, жимгина маъқуллаши ёки унинг *Сифат* тавсифлари (зоҳир бўлиши) учун мурожаат қилишган. Бундан ташқари, Суннат сўзма-сўз маънода йўл, қоида ёки усул, яхши ёки ёмондир ва Қуръон ушбу луғавий маънога

ишора қилиш учун лисоний маънода ушбу атамадан фойдалана-ди. Бироқ, Пайғамбарнинг саҳобалари ҳадис ва суннат атамалирини синоним сифатида ишлатишиган.

Мусулмонлар Пайғамбарга Қуръонни одамларга ўз сабабла-ри билан эмас, балки Жаброил фаришта унга Худо томонидан берилган сўзлар ёрдамида тушунтириш бўйича илоҳий буйруқ берилган деб ишонишади. Бир неча оятлар Пайғамбар Қуръон-нинг биринчи таржимони бўлиши кераклигини кўрсатмоқда. Ибн Таймийя ушбу далилни қўллаб-кувватлаш учун келтирган Қуръон ибораси («шунинг учун одамларга улар учун юборилган нарсаларни аниқ тушунтириб беришинг мумкин»), менинг фикримча, Пайғамбар Қуръонни тўлиқ тушунтириб берган дегани эмас. Аксинча, бу муаммоли оятларни, шунингдек, факат араб тилида тушуниб бўлмайдиган оятларни, масалан, суннат орқали англаш мумкин бўлган рўза, ҳаж ва бошқалар ҳақидаги оятларни (масалан, намозни қандай ўқиши) тушунтиришни назарда тутиди. Қуръон ва ҳадислар бир неча бор мусулмонларни Қуръонни тушунишнинг бир усули сифатида акс эттиришга ундайди. Масалан, 38:29 оята: «[Буларнинг барчасида биз айтдик] муборак оятларни, биз сизга нозил қилганмиз, (Ей Мұхаммад), токи одамлар унинг хабарлари устида мулоҳаза юритсинлар ва ақл-идрок эгалари уларни юракка яқин қабул қилсинлар».

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### *Тафсир ва Пайғамбарнинг саҳобаларининг (Саҳаба) фатволари*

Саҳобалар Пайғамбарнинг вафотларидан кейин Қуръоннинг энг муҳим таржимонларига айландилар. Улар *тафсирларида* Пайғамбар алайҳиссаломнинг баёнлари ва ўзларининг мулоҳазалари ёки тушунчалари (ижтиход) ва араб грамматикаси каби бир

қатор манбалардан фойдаланганлар. Шунингдек, улар Қуръон қандай шароитларда нозил қилинганилиги, ваҳий сабаблари ва унинг ўрни тўғрисида ҳам хабардор эдилар. Бу соҳада барчасининг орасида энг кўзга кўринганларидан тўрт халифа (Абу-Бакр, Умар, Усмон ва Али) бўлишган. Арабча сўз *саҳиб* (сифат) оғзаки исмдан (*масдар*) | сухбаҳдан келиб чиқиб, шериклик ёки бўйсуниш деган тушунчаларни билдиради.

*Саҳиб* исломий тарихшуносликда Пайғамбарнинг замондоши, унга Пайғамбар деб ишонган, уни яқин тутган ва шундай вафот этган киши назарда тутилган. Анъанавийликшунослар ҳам, ҳуқуқшунослар ҳам ушбу атамага ўзларининг таърифларига эга. Анъанавийшунослар *саҳиб* ёки *саҳаби* – Пайғамбар бўлганидан ва унга ишонган ҳолда вафот этганидан кейин Муҳаммад Пайғамбар билан ҳақиқатда учрашган (уни тушида кўришдан фарқли ўлароқ) унга ишонган ҳолда вафот этгандар деб таърифлайдилар.<sup>10</sup> Ҳуқуқшунослар (усулийюн) *саҳабини* нафақат Пайғамбар билан учрашган, балки унинг башоратини таниган, унинг шогирди бўлган, узоқ вақт давомида у билан бирга бўлган, ўша даврда у билан тез-тез учрашган ва ундан ибрат олган киши сифатида кўриб чиқдилар.<sup>11</sup> Ҳуқуқшуносларнинг таърифи *Саҳабаҳ* даражасидан анъанавийлар бу мақомга эга деб ҳисоблаган кўплаб одамларни, айниқса Пайғамбарни Маккага қилган ягона ҳаж пайтида кўрганларни чиқарип ташлаган.

Саҳобалар Пайғамбар ҳаёти пайтида ёки ундан кейин ҳам, баъзида Қуръон ва ҳадисни шарҳлашда ўзларининг фикрларидан фойдаланганлар. Бу ҳаракат улар томонидан *раъи* *Саҳиб* (фикр, сўзлашув ёки шерикнинг фатвоси) номи билан машхур бўлиб, унинг ваколати мусулмон уламолари ўртасида тортишувларга сабаб бўлди.<sup>12</sup> Қуръон ва ҳадисларда мусулмонларга илм излашга ва уни ўргатишга кўрсатилган жуда кўп оятлар мавжуд. Саҳобалар ушбу жамоадан илҳомланиб *тафсирда* қатнашишни бошладилар. Улар Қуръонни тўлиқ шарҳламадилар ва ўзларининг ҳиссалари тўпламини қолдирмадилар.

Олимлар саҳобалар талқинининг мажбурий кучи борасида икки гурухга бўлинадилар. *Саҳобалар* шархини фарз деб билганлар орасида Имом Молик, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Ибн Таймийя ва унинг шогирди Ибн Қайим бор. Улар ўзларининг далиллари ни асосан саҳобаларнинг фазилатлари ва эътиборлари фактига асосладилар, чунки Қуръонда ҳам, ҳадисда ҳам мақталиб, улар Ваҳийнинг гувоҳлари бўлган. Бундан ташқари, улар Қуръон тилини ўзлаштирдилар. Акс ҳолда ишонганлар орасида ал-Ғазали, Ибн Ҳазм ва Абу Ҳайян каби саҳобаларнинг *тафсир* мажбурий эмас. Уларнинг баҳслари ўртоқларининг баъзи жойларда муросасиз қарама-қаршиликларни ўз ичига олган талқинининг амалийлигига қаратилди. Бу шуни англатадики, амалий нуқтаи назардан саҳобаларни ўзларининг муросасиз *тафсир* сифатида тафовутлари билан қабул қилишлари мусулмонларни саросима ва тартибсизлик ҳолатига олиб боради, чунки бундай қарама-қаршиликлар дунёning турли соҳаларида мусулмонларнинг ҳаёти мажбурий амалий қўлланилиши керак эди. Саҳобаларнинг *тафсир*, шубҳасиз, Қуръонни тушуниш учун муҳимдир ва уларнинг Пайғамбарга яқинлиги, Қуръонни билишини инобатга олган ҳолда инкор этиб бўлмайдиган қадрият ва катта аҳамиятга эга.

## БЕШИНЧИ БОБ

### **Ворисларнинг (*Тобеин ёки Табиъун*) *Тафсир* ва фатволари**

Ворислар талқинининг мажбурий хусусияти тўғрисида мунозара табиъулар (ворислар) талқини юридик жиҳатдан мажбурий деб (вожиб) ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги тўғрисида тортишувлар мавжуд. Афсуски, ушбу масалани муҳокама қилишга бағишланган тарихий материаллар саҳобалар тўғрисидаги материаллар каби етарли эмас, шундан келиб чиқадики, Пайғамбар-

нинг саҳобалари талқинини вожиб деб ҳисобламаган олимлар (яъни ал-Ғазали, Ибн Ҳазм ва бошқалар) Табиуналар талқинин нуфузини мухокама қилишга қизиқиш кўрсатишмаган. Бироқ, сунний уламоларнинг аксарияти Ворисларнинг ижмаси вожиб далил (хужжатул), деган фикрга қўшилдилар.

*Табиъун* (*Тобеин*) – бу *Табиъ* сўзининг кўплек шакли. *Табиъ* сўзи «*Табаъа*» феълидан олинган фаол сифатдош бўлиб, у эргашиш, издош деган маънони англатади. Шундай қилиб, *Табиъи* сўзи аввалги ёки ўтиб кетган авлоддан кейин келадиган шахсни ёки авлодни; аввалги авлоддан кейин келадиган ёки унга эргашадиган шахс, ёки авлод - издош, ворисни англатади. Аниқ маъносига кўра табиъ Пайғамбар Муҳаммад билан тўғридан-тўғри алоқада бўлмаган (уни кўрмаган), лекин саҳобаларидан бири билан бевосита алоқада бўлган (у билан учрашган) ва Мусулмон сифатида вафот этган Мусулмонни назарда тутади.<sup>13</sup> *Табиъун* ёки ворислар, Исломнинг иккинчи авлоди ва саҳобалардан кейин энг яхши деб ҳисобланадилар. Бирор бир Вориснинг талқини ёки диний фатвоси ҳам тан олиниши керакми, сунний уламолар орасида Абу Ҳанифа Ворисларнинг талқини ва уларнинг диний фармонларини вожиб эмас деб ҳисоблайди. Бунинг сабаби шундаки, уларда Пайғамбарни кўриш ёки Ваҳийга гувоҳ бўлиш имконияти бўлмаган. Ибн Таймийя бу фикрни қўллаб-куватлайди, Абу Ҳайян учун *Табиъун* талқинини қабул қилиш интеллектуал ёки илмий жиҳатдан ўз жонига қасад қилишdir.<sup>14</sup> Баъзи бир ҳисботларга кўра, иккинчи гурухга Аҳмад ибн Ҳанбал ва баъзи Малики хуқуқшунослари киради, улар бевосита Ворислар томонидан қилинган талқин вожиб бўлиши керак деб ҳисоблашган.<sup>15</sup> Аммо замонавий Ҳанбали хуқуқшуноси Абдуллоҳ ибн Муҳсин ат-Туркийнинг сўзларига кўра Ҳанбали хуқуқшуносларининг аксарияти Аҳмад ибн Ҳанбалдан келган энг ишончли ҳисбот *Табиъунларнинг* фикрлари вожиб эмаслигини кўрсатади.

### ***Табиъунларнинг Қуръон тафсиридаги фарқлари***

*Табиъунларнинг* йўналиши бешта асосий: фиқҳ, илоҳиёт, Қуръоннинг тарихий шахслари, тилшунослик ва Қуръон ибо-

ралари бўйича фарқланади. Фикҳга келсак, оятларнинг қонуний маъноларига оид масалалардаги фарқлар ушбу оятларни турлича тушуниш, Пайғамбарнинг ушбу масалаларга оид сўзларини билмаслик ёки заиф ҳадисларга боғлиқлиги туфайли юзага келган бўлиши мумкин. Пайғамбарнинг маълум бир масалага айтилган сўзларини тушуниш учун билим этишмаслигини кўрсатадиган бир мисолни 2:196 оят билан боғлиқ ҳолда кўриш мумкин: «Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун тугал адо этинг. Агар ушланиб қолсангиз, муяссар бўлган ҳадий (курбонлик юборинг). Ҳадий ўз жойига етмагунча, сочингизни олдирманг».<sup>16</sup> Пайғамбар ҳадисда (ал-Бухорий ва Муслим билан келишилган) бирорвнинг Ҳаж ёки умра қилишларига тўскенилик юз берганда, қанча кун рўза тутиш, қанча камбағалларга овқат бериш кераклигини кўрсатган. Бироқ, биз *Табиъулар* рўза тутиш керак бўлган кунлар сони ва овқатлантирилиши керак бўлган камбағал одамлар сони бўйича берилган маълумот фарқ қилишини топамиз.

Бу *тафсирга* мисол қилиб 4:159-оятда кўриш мумкин: «Ҳеч бир Аҳли Китоб йўқки (Яхудий ва Насронийлар), унга [Исога] ўлимидан олдин иймон келтирмаса (қабла мавтиҳи)...» Дамёр олмоши «ҳи» қабла мавтиҳи (ўлимидан олдин) иборасида, унинг деган маъносини англатади ва китоб аҳлининг бир шахсини ёки Исони назарда тутиши мумкин. Агар «у» олмоши Китоб Аҳлига тегишли бўлган бир шахсни назарда тутган бўлса, оятнинг маъноси шундан иборат, барча Китоб Аҳли, у (бир шахс) вафот этатётганида, албатта Исола Худонинг Расули сифатида иймон келтириши керак. Агар олмош Исони назарда тутган бўлса, демак, «Аҳли Китоблардан ҳеч ким қолмай, у киши ўлишларидан олдин у зотга иймон келтиради».

Тилшунослик *Табиъун* ўзларининг турли хил лингвистик келиб чиқишига қараб ҳар хил тушунчага эга бўлган алоҳида сўзларни ёки атамаларни назарда тутади. Қизифи шундаки, улар чет эл тилларидан келиб чиқкан баъзи Қуръон сўзларининг келиб чиқиши билан ҳам ажralиб турарди. Масалан, 112:2-оятдаги «*ал-Самад*» сўзи турлича талқин қилинган: Зайд ибн Аслам уни *ас-Сайид*

